

(Давом. Бошлангич 1-бетда.)

Албатта юқорида қайд қилинган жараёнларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳам алоҳида ўрни бор. Шу нуқтаи назардан ўтган даврга назар соладиган бўлсак, академия ўз фаолияти давомида муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, қисқа даврда академияда «Юқори технологиялар банки» яратилди ва алоҳида тўплам кўринишида чоп этилди. Фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг 2015 йилгача бўлган 17 та устувор йўналишини ўз ичига олган концепция ишлаб чиқилди ва алоҳида китоб сифатида нашрдан чиқарилди. Ишланмаларнинг иқтисодиёт тармоқларига жорий қилинишни кучайтириш ва бу жараёнда манфаатдор вазирлик, идоралар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўз молиявий улушлари билан иштирок этишига эришиш мақсадида 9 та интеграцион дастур амалга оширилмоқда. Улардан 4 таси Иқтисодиёт вазирлигида манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтказилди ва ижобий баҳоланди. Ўтган йили биринчи республика инновацион гоа ва лойиҳалар ярмаркасида академия институтлари ва марказлари фаол иштирок этди ҳамда умумий қиймати 12 миллиард сўм бўлган 168 та шартнома тузилди. Нобуджет маблағлар тушуми бюджет маблағларининг 90 фоизини ташкил этди.

Шуни таъкидлаш керакки, бизда илмий маҳсулотлар экспорти ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан ўтган йили 2,7 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда маҳсулот экспорт қилинди.

Илм-фан ривож – тараққиётимизнинг устувор вазифасидир. Чунончи, ген муҳандислиги соҳасида ген-нокаут усули билан дунёда биринчи марта тез пишир, ўта ривожланган илмий системасига эга трансген гўза навининг лаборатория намунасини яратиш, илгари яратилган 30 та дори воситаларига қўшимча бир неча янги тиббий препаратларни амалиётга киритиш, умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан юқори самарадорликка эга бўлган янги кимёвий ўғитларни, ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи воситалар ва дефолиантларни яратиш, амалиётга жорий этиш, нефть ва газ саноати учун керамик филтёрлар, мембрана ва понтонларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғатини вужудга келтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ниҳоятга етказилди.

Маълумки, Фанлар академиясини лойиҳалар асосида фаолият юритади. Шу боис, юқоридаги ишлар академиянинг фан йўналишлари комплекслари илмий кенгашлари томонидан Давлат илмий-техника дастурлари доирасида фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар ва инновация лойиҳаларининг бажарилиши мониторингини ўтказилди. Экспертлар томонидан бажарилаётган лойиҳалар ижроси юзасидан билдирилган тақлифлар, тавсиялар ва танқидий мулоҳазаларни келгусида инобатга олиш учун ижрочи ташкилотларга етказилди.

Ўзбекистонда техникавий кремний ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида Фанлар академиясини Электроника институтига яратилган электрон технологияси асосида техникавий кремний ишлаб чиқариш бўйича 2008 йилнинг февраль ойида янги қўшма корхона тузилди. Мазкур корхона Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтказилди. Хозирда Ангрэн шаҳридаги монтаж майдончасида зарурий инфраструктуранинг йўлга қўйиш ишлари олиб боришмоқда.

Материалшунослик институтини томонидан Муборак газни қайта ишлаш заводи учун газни ёти бетиқлардан тозалайдиган импорт ўрнини қопловчи 28 тонна керамик шарлар ва нефть ҳамда газ саноати резервуарлари учун сузиб юривчи 50 минг дона қоплама — керамик «пўхак» ишлаб чиқариш ва «Ўзнефтьга» корхоналарига етказиб бериш ишлари бошланди. Хондиза (Сурхондарё) ва Учкулоч тоғ-кон комплекслари қурилишида

«АООК1ТМ-1ШГМЕК.ШС» институтида яратилган ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш тизимларини жорий этиш юзасидан ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, «Ўз-огирнефтьгазкимёлояиҳа» институти билан тузилган шартнома бўйича «Хондиза ва Учкулоч тоғ-кон комплексларини қуриш бўйича бажарилаётган инвестицион лойиҳада мазкур фабрикалардаги технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш системаларини техник ва иқтисодий асослаш» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Молиявий ҳажми олти миллион сўм бўлган ушбу лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари яратилди.

Умумий ва ноорганик кимё институтида яратилган технология асосида «Фаргонаазот» ОАЖда 3 минг тонна «Супер-ХМД-ж» дефолиант ишлаб чиқарилиши ва барча вилоятларга пахтачиликда қўллаш учун ўрнатилган тартибда етказиб берилиди. Олдий суперфосфат олиш технологиясини такомиллаштириш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Фанлар академиясини хайъати аъзолари ўтган йили институт директорлари ҳамда аспирант-

Академияда инновация технологияларини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди. Фанлар академиясининг фаол иштирокида ўтган йили Тошкент шаҳрида Инновацион гоа ва лойиҳалар республика ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада 150 дан ортиқ вазирлик, идора, ташкилот, ҳокимият, турли корхона, фирма ва фермер хўжалиқлари вакиллари қатнашди. Фанлар академиясида яратилган ишланма ва технологияларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этишга йўналтирилган, умумий молиявий ҳажми 12,6 миллиард сўм бўлган 168 та шартнома ва ҳамкорлик баённомалари имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги 916-сонли Қарори Фанлар академиясида қўйиладиган ижро этилди: «Ўрта муддатли истиқболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари комплекс»да белгиланган тадбирларни Фанлар академиясида амалга оширишга қаратилган механизм ва чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва шу асосда иш олиб боришмоқда. Жумладан, Инновацион

ген дифрактометри сотиб олинди. Мазкур ноёб илмий асбоб Тошкентга олиб келинди ва монтаж қилинди. Кимё ва биология соҳасидаги ноёб илмий асбоб-ускуналарни марказлашган ҳолда ишлаш учун «Жамоавий фойдаланиш маркази» тузилди. Бундан ташқари, «Фан тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли идоралар, вазирликлар ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Олий Мажлис муҳокамасидан ўтказилди.

Тизимда қилинаётган ишлар ва қўлга киритилган ютуқлар қўлами кенг, албатта. Бироқ Фанлар академиясининг амалга ошираётган ишлари бозор иқтисодиётига ўтиш, айниқса, жажон иқтисодий инқирози кузатилаётган ҳозирги даврдаги ривож учун етарли эмас. Унда мужассамлашган бой илмий салоҳиятдан тўлалигича фойдаланилаётган, деб бўлмайдиган. Академияда яратилган ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига жорий қилишда сусткашликка йўл қўйилишига асосий камчилик, деб қараш керак. Шунингдек, олимларимизнинг ишлаб чиқариш билан алоқалари талаб даражасида эмас, ўз навбати-

та иш олиб борадиган «Ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига узатиш хизмати»ни тузишимиз ва унинг ишини йўлга қўйишимиз зарур. Мазкур хизматни ҳар йили ўтказиладиган «Республика инновацион гоа ва лойиҳалар ярмаркаси» учун масъул этиб тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ички бозор учун чиқариётган илмий маҳсулотларимиз қаторидан юқорида қайд этганимиздек, дори воситалари, ўғитлар, дефолиантлар, ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи моддалар, мудофаа вазирлиги учун тренажерлар, нефть-газ саноати маҳсулотлари кабилар ўрин олган. Чора-тадбирлар дастурида хомашё ва энергия тежаш ҳисобига уларнинг таннархини камайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мўлжалланмоқда. Ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотлар турини кўпайтириш учун Фанлар академиясини билан «Ўз-кимёсаноат» акционерлик уюшмаси ўртасида ҳамкорлик дастури тузилди. Унга асосан жорий йилда дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Кейинги 3 йилга мўлжалланган амалий тадқиқот дастурлари танлови натижасида 228 та лойиҳа молиялаштиришга тавсия этилди, инновация лойиҳаларининг сони эса 26 тани ташкил этди. Лойиҳаларни танлашда уларнинг қишлоқ фаровонлигини оширишга ва жажон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилганлиги эътиборга олинди. «Фундаментал-амалий-инновация лойиҳалари» узлуқсизлигини таъминлаш учун уларнинг, айниқса, амалий ва инновация лойиҳаларининг доимий мониторингини ўтказиладиган, бажарилиши қониқарсиз, деб топишган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши тўхтатилади ва маблағи шу ташкилотдаги бошқа муваффақиятли бажарилаётган лойиҳага олиб берилади.

Жорий йилда шакллантирилган йирик интеграцион дастурлар бўйича бошланган ишлар давом эттирилади. Қўшни республикаларда қурилиши режалаштирилган Рангун ва Камбар ота гидроэлектростанцияларининг мамлакатимиз суз таъминоти ва экологиясига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирини ўрганиш учун академиямизнинг Сув муаммолари институти иштирокида вазирликлараро комплекс дастур ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, шу институт томонидан ҳудудларда томчилаб суғориш усулини амалиётга жорий этиш учун такомиллаштирилган қурилмалар тайёрлаб берилади, қишлоқ жойларидан ва чўпонлардан буюртмалар тушган тақдирда, кўча электр энергияси манбалари, қуёш суви иситиш қурилмалари ва сувни тозалаш филтёрлари, республика пахтачилиги учун эса, 270 минг комплект пахта тунмали феромон тутқичлари етказиб берилади. Ботаника боғи томонидан эса, минтақамиз иқлим шароитига мослаштирилган 17 турдаги ноёб дарахт кўчатлари, 28 турдаги манзарали бута ва лианалар аҳоли сотувига чиқарилади.

Фанлар академиясининг илмий-иждоий фаолиятини янада кучайтириш учун устувор илмий-техника муаммолари, соҳалараро интеграция ва ички дастурий ҳамда координация ва мониторинг ишларининг самарадорлигини ошириш ҳозирги даврнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Албатта, замон талабларидан келиб чиқиб, академия тизимида «Ноёб илмий мосламалардан фойдаланиш маркази»-ни тузиш ва унга фанларнинг соҳалараро бirlaшишини ташкил этиш ҳамда илмий ишланмаларни ривожлантириш назарда тутилди.

Дарҳақиқат, илм-фан маркази — мамлакат Фанлар академиясини ўзининг фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини жорий қилиш ҳамда ялли ишлаб чиқариш жараёнларининг дастурий нормаларига нисбатан 20 фоизга иқтисод қилишни режалаштириди. Ўйлаймики, 2009 йилга мўлжалланган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт Дастурида қайд қилинган устувор йўналишларини бажаришда олимларимиз, илмий тадқиқотчиларимиз, иқтидорли аспирантларимиз ва ходимларимиз фаол иш олиб борадилар.

Саидхўр ҒУЛОМОВ,
ЎзРФА вице-президенти,
академик.

★ Бугуннинг гапи

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ



Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятлар бутун дунё халқларини жиддий ташвиш ва хавотирга солмоқда. Ачинарли томони шундаки, бу жиноятга қўл урганларнинг ҳам, жабранувчиларнинг ҳам мақсад ва мудоаолари муштарак. Демократия, ҳар икки томонда ҳам енгил-елли йўллар билан мўйай пул ва бойлик орттириш илнжи кучлиги бу жиноятнинг содир этилишига туртки бўлмоқда.

Дарвоқе, одам савдоси жинояти инсониятга қанчалик катта ҳаффу хатар тўғдираётган бўлса, бутун дунё мамлакатларининг деярли барчасида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбир-

лар қўлами ҳам кенгайиб бораёпти. Мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига одам савдоси билан шуғулланганларга жиноий жавобгарлик белгиланди. Шу билан бирга мамлакатимиз томонидан бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Негаки, одам савдоси ҳудуд ва чегара билмайдиган жиноятдир.

Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган «Одам савдоси ва фотхшаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилди. Бундан ташқари, мамлакат парламенти томонидан ЕМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Транс-миллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғри-

сида»ги Конвенция ҳамда одам савдоси, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш протоколлари ҳам ратификация қилинди.

Ўтган йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, бундан азият чекканларни химоялашнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Президентимиз томонидан 2008 йилнинг 8 июлида қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор қабул қилинганлиги эса бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат босқичига кўтарди. Юқорида санаб ўтилган қонун нормалари амалга тадбиқ этилди, Республика Идоралараро комиссияси тузилди. Мазкур комиссиянинг тадбирлар режаси асосида бугунги кунда жойларда учрашув ва тадбирлар кенг қўламада ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Утепа тумани прокуратураси, туман хотин-қизлар кўми-

таси, «Камолот» ёшлар ижтимоий-ҳаракати ва ФХДё бўлими ҳамкорлигида тумандаги «Журноий» маҳалласида мазкур жиноят содир этилишининг олдини олишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда инсонга фақатгина кулфат келтирувчи бу жиноят содир этилиши оқибатида жабр ва ситам кўрганлар қисмати жонли тарзда ифодолаб берилди. Савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбирда сўзга чиққанлар одам савдоси билан шуғулланаётган айрим тоғуладиган кишиларнинг ишлари барорини келтиришга асосан фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўлаётганини таъкидлашди. Шунинг учун кенг жамоатчилик ўртасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасидаги мана шундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

Зулайхо
КАМОЛХОДЖАЕВА,
Утепа тумани
ФХДё бўлими
мудираси вақфасияни
бажарувчи.

▽ Афзаллик

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ишлаб чиқарувчи субъектлар сонининг кўпайиши давлат ва жамият тараққиёти учун катта аҳамият касб этади.

КИЧИК БИЗНЕС ИМКОНЯТИ

Негаки, бу ишлаб чиқаришни ривожлантириб, солиқ тўловчилар сонининг ошишига олиб келади. Шу боисдан бугунги кунда мамлакатимизда тармоқни замонавий ускуналар, янги технологиялар билан жиҳозлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари бир неча жиҳатларда намоён бўлади. Биринчидан, кичик бизнес ички бозорни зарур товарлар ва хизматлари билан тўлдиради, аҳолини иш билан таъминлаб, улар даромадини оширади. Иккинчидан, у кам сармога талаб қилади, маҳсулотларини янгилаб боради ва шу тариқа бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олади. Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўсиши билан мамлакат таъини ва суянчи бўлган мулкдорларнинг ўрта синфи шаклланиб боради. Айни кезде солиқ сиеъсатининг ривожланиши такомиллашувини ва янада эркинлашувини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни фаол ҳаракатлантирувчи кучдир.

Самар АЗИМОВ,
таалаба.

САЙЛОВДА ИЛК
БОР АЁЛЛАР

Кеча Индонезияда парламентга сайловлар бўлиб ўтди.



Эндилкида Индонезияда ўтказиладиган парламент сайловларида аёллар ҳам ўз номзодини қўйиш имконига эга бўлди. Сайловда ҳар тўрт нафар сайловчининг овозини олишга муваффақ бўлган партия президентлик сайловларида ўз номзодини қўйиш мумкин. Парламент сайловларининг 2-тури июлда ўтказиладиган. Маълумотларга кўра, давлат раҳбарлиги лавозимига Демократик партия вакили Суслило Бамбанга Юдхойононинг имконияти юқори баҳоланмоқда. Экспертларнинг фикрича, мамлакатда хориж инвестицияларини жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш ва саноат соҳасини ривожлантириш энг муҳим масалалар айланди.

Алжирда эса президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Қузатувчилар амалдаги давлат раҳбари Абдулазиз Бутефлиқнинг имкониятини юқори баҳолашмоқда. Ижтимоий сўров натижаларига кўра, сайловчиларнинг қарийб 70 фоизи А. Бутефлиқка овоз беришини маълум қилган. Беш йил олдин уни сайловчиларнинг 85 фоизи қўллаб-қувватлаган эди. Президентлик сайловларида яна 5 нафар номзод қатнашмоқда.



СИЁСИЙ ТАДБИР АВГУСТДА

Афғонистонда президентлик сайловлари жорий йилнинг 20 август кўни ўтказиладиган.

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Конституцияда мувофиқ овоз бериш жараёни майда ўтказилиш лозим эди, аммо хавфсизлик нуқтаи-назаридан сиёсий тадбир август ойига қўйрилган. Хукуматни ташвишга солаётган муаммо шундаки, мамлакатда президентлик сайловларига тайёргарлик жараёни давом этаётган бир пайтда «Толибон» террорчи гуруҳининг фаолияти ҳам кучайиб бормоқда.

Мазкур сайловда амалдаги президент Ҳамид Карзай ҳам ўз номзодини илгари суриши мумкин.

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЯНГИ УСУЛ

Жажон бўйлаб «қанот» қоқатган молиявий инқироз қатор мамлакатлар иқтисодиётига, жумладан, уларнинг автомобиль саноатидаги аҳолини ҳам тобора танг аҳволга солмоқда.

Буюк Британияда бу борада савдо ҳажми шу йилнинг 1-чора-ида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоизга камайган. Шу боисдан ҳам мамлакат автомобилсозлари ҳукуматнинг Германия ва Франциядаги каби янги автомобилларни сотишни рағбатлантириш борасида зарур чора-тадбирлар қўришдан умид қилмоқдалар.

Хабарингиз бўлса, Германия ва Францияда янги автомобиль сотиб олган ва эскисини топширганлар 2500 еврогача имтиёзга эга. Хозирга келиб ҳар икки мамлакатда автомобиль савдосида сезиларли ўзгаришлар кузатишмоқда.

